

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ХОРИЖИЙ ДЕЛЕГАЦИЯЛАР РАЎБАРЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Тошкентда Парламентлараро Иттифоққа аъзо мамлакатлар парламентлари аёл раҳбарларининг 14-саммити бўлиб ўтмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 8 сентябрь куни мазкур саммитда иштирок этиш учун мамлакатимизда бўлиб турган хорижий делегациялар раҳбарларини қабул қилди.

Туркменистон Миллий Кенгаши Мажлиси Раиси Гулшат Маммедова билан учрашувда у Ўзбекистон Президентига Туркменистон Президенти Сердар Бердимухамедов ва Миллий Кенгаш Халқ Маслаҳати Раиси Гурбангули Бердимухамедовнинг саломи ва эзгу тилакларини етказди.

Давлатимиз раҳбари мустаҳкам дўстлик ва яхши қўшничилик, ишонч ва стратегик шериклик алоқаларига асосланган Ўзбекистон — Туркменистон муносабатларининг бугунги юксак даражасини катта мамнуният билан қайд этди.

Кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтириш, қўшма кооперация лойиҳаларини ва маданий-гуманитар алмашинув дастурини илгари суришда икки мамлакат парламентлари муҳим ўрин тутиши алоҳида таъкидланди.

Парламентлараро Иттифоқ, шу жумладан, Марказий Осиё минтақасидаги сама-

рали мулоқот доирасидаги сермахсул ҳамкорликка юқори баҳо берилди.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Озарбайжон Республикаси Миллий Мажлиси Раиси Соҳиба Гафаровани қабул қилди.

Соҳиба Гафарова самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, давлатимиз раҳбарига Озарбайжон Президенти Илҳом Алиевнинг саломи ва эзгу тилакларини етказди.

Сухбатда олий даражадаги мунтазам учрашув ва мулоқотларда эришилган келишувларга мувофиқ ҳар томонлама ҳамкорлик жадал ривожланиб, амалий шериклик кенгайиб бораётгани алоҳида қайд этилди.

Озарбайжон Президентининг жорий йил июнь ойидаги Ўзбекистонга тарихий ташрифининг сермахсул натижалари — иқтисодийнинг турли тармоқларида кооперация лойиҳаларини илгари суриш, барча даражалардаги мулоқот ва гуманитар алмашинувни фаоллаштиришга кучли суръат бағишлади.

Ўзбекистон етакчиси кўп томонлама нуфузли тузилмалар доирасида парламентлараро ҳамкорликни янада кенгайтириш борасидаги саъй-ҳаракатларни қўллаб-қувватлади.

* * *

Президентимиз Россия Федерацияси Федерал Мажлиси Федерация Кенгаши Раисининг ўринбосари Галина Кареловани қабул қилди.

Россия парламенти раҳбарининг ўринбосари Ўзбекистон етакчисига самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, Россия Президенти Владимир Путин ва Федерация Кенгаши Раиси Валентина Матвиенконинг саломи ва эзгу тилакларини етказди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон — Россия стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларида кейинги йилларда юксак даражага эришилганини, кўп қиррали ҳамкорлик жадал ривожланиб бораётганини алоҳида мамнуният билан қайд этди.

Олий даражадаги келишувларни амалга ошириш ва ҳамкорликни кенгайтиришга

икки мамлакат парламентларининг яқин ва самарали алоқалари фаол ҳисса қўшмоқда.

Бундай сермахсул мулоқотларни, жумладан, кўп томонлама тузилмалар — Парламентлараро Иттифоқ ва МДХ Парламентлараро Ассамблеяси доирасида давом эттириш муҳимлиги таъкидланди.

* * *

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Парламентлараро Иттифоқ делегацияси — ушбу тузилма раиси Дуарте Пачеко ва бош қотиби Мартин Чунгонгни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистоннинг Парламентлараро Иттифоқ билан сермахсул ҳамкорлиги жадал ривожланиб бораётганини катта мамнуният билан қайд этди.

Шу кунларда Тошкент шаҳрида жаҳон мамлакатлари парламентлари аёл раҳбарларининг 14-саммити муваффақиятли ўтмоқда. Унинг кун тартибидан демократик ва ижтимоий-иқтисодий янгиланишларни қўллаб-қувватлашнинг самарали институтларини ривожланти-

риш, гендер сиёсатни амалга оширишга доир глобал ва минтақавий аҳамиятга эга муҳим масалалар ўрин олган.

Бундан ташқари, ушбу нуфузли халқаро ташкилот билан биргаликда қатор муҳим лойиҳалар амалга оширилди, Бухоро шаҳрида Барқарор ривожланиш мақсадлари бўйича парламент форуми ва бошқа тадбирлар ўтказилди.

Парламентлараро Иттифоқнинг юқори даражали вакиллари Ўзбекистон етакчисига қўшма ташаббусларни илгари суришда кўрсатаётган ҳар томонлама кўмак учун миннатдорлик билдириб, Янги Ўзбекистондаги ислохотлар дастурини тўлиқ қўллаб-қувватлади.

Учрашувда барқарор ривожланиш, демократик кадриятларни илгари суриш, ёшларни қўллаб-қувватлаш соҳаларидаги мақсад ва вазифаларга эришиш, Иттифоқнинг Инновациялар маркази билан ҳамкорлик қилиш каби йўналишларда ўзаро манфаатли алоқаларни янада кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Ў.А.

МАҚСАД — ҲОЗИРГИ МУРАККАБ ШАРОИТДА ДУНЁ ПАРЛАМЕНТЛАРИ САЪЙ-ҲАРАКАТЛАРИНИ БИРЛАШТИРИШДАН ИБОРАТ



Кеча пойтахтимиздаги Халқаро конгресс-холлда Парламентлараро Иттифоққа аъзо давлатлар парламентлари аёл раҳбарларининг 14-саммити ўз ишини бошлади.

Мазкур нуфузли анжуманда БМТ, Парламентлараро Иттифоқ ва унга аъзо мамлакатлар парламентлари палаталарининг аёл-спикерлари, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти Парламент Ассамблеяси каби халқаро ташкилотлар раҳбарлари ҳамда 17 давлатдан 120 нафардан ортиқ парламент вакиллари иштирок этмоқда.

Саммит

Саммитнинг асосий мақсади — COVID-19 пандемияси, у билан боғлиқ инқироз оқибатларини ҳисобга олган ҳолда барқарорлик ва фаровонликни самарали таъминлаш мақсадида гендер тенгликни кафолатлаш ҳамда хотин-қизларнинг ҳуқуқларини кенгайтириш бўйича парламентлар фаолиятининг устувор йўналишлари ва ҳаракатларини белгилашдан иборат.

Саммитни Ўзбекистон Рес-

публикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева кириш сўзи билан очар экан, мамлакатимизда биринчи бор ўтказилаётган бундай нуфузли саммит иштирокчиларини қутлади.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ушбу нуфузли анжуман иштирокчиларига йўллаган мурожаатини Президент Администрацияси раҳбари ўринбосари,

Президент матбуот қотиби Шерзод Асадов ўқиб эшиттирди.

Анжуманда таъкидланганидек, парламентаризм тобора равнақ топаётган ҳозирги даврда дунёдаги нуфузли ташкилотлардан бири бўлган Парламентлараро Иттифоқ жаҳонда демократик жараёнлар ривожланишига, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашга, тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Айни чоғда бу тузилма хотин-қизлар ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш ҳамда гендер тенгликни қафолатлаш, миллий парламентларнинг мамлакатлар барқарор ривожини таъминлашдаги ўрнини мустаҳкамлашга хизмат қилаётир.

Парламентлараро Иттифоқнинг 2017 — 2021 йилларга мўлжалланган стратегик режаси амалга оширилиши ҳисоби-га сўнгги 5 йил ичида дунёда

аёл-парламентарийлар сони 23,4 фоиздан 26 фоизгача ўсганлиги мисолида ҳам буни кўриш мумкин.

— Давраимизда Парламентлараро Иттифоқ раиси Дуарте Пачеко ҳамда шу ташкилот бош қотиби Мартин Чунгонгни кўриб турганимиздан мамнунмиз, — деди Сенат Раиси. — Уларга саммитни тинчлик ва дўстлик шаҳри бўлган Тошкентда ўтказиш ташаббусини қўллаб-қувватлагани учун миннатдорлик билдирамыз. Бу қарор Ўзбекистонда Президентимизнинг сиёсий иродаси туфайли парламентаризмни ривожлантириш, гендер тенгликни таъминлаш, жамиятни демократлаштириш борасида олиб борилаётган ислохотлар ҳамда уларнинг амалий натижалари жаҳон ҳам-жамияти томонидан муносиб эътироф этилаётганига ёрқин мисолдир.

Қайд этилганидек, бугун турли низолар, янги хатарлар ва тўқнашувлар кескин тус олаётган, пандемия оқибатлари яққол сақланиб турган бир даврда Парламентлараро Иттифоқ ҳамда барча давлатлар парламентлари ҳамкорлиги янада долзарб аҳамият касб этмоқда. Негаки, бугунги кунда дунё микёсида пандемия боис савдо-иқтисодий алоқалар қисқариши, ижтимоий ҳаётнинг юқори палатаси таркибида махсус кўмита ташкил этилган бўлиб, у самарали фаолият юритаётганлигини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Шунингдек, учрашувда Ўзбекистон парламентининг Парламентлараро Иттифоқ билан ҳамкорлигининг бугунги ҳолати ва истиқболлари муҳокама қилинди.

Томонлар нуфузли ташкилот билан биргаликда янги лойиҳаларни амалга ошириш ва Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш борасида ҳамкорликни қучайтириш юзасидан ҳам фикр алмашди.

Ўз навбатида, Д. Пачеко Тошкент саммити юқори савияда ташкил этилгани учун ўз миннатдорлигини билдириб, Парламентлараро Иттифоқ

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева саммитда иштирок этиш учун мамлакатимизга келган Парламентлараро Иттифоқ раиси Дуарте Пачекони қабул қилди.

Мулоқот аввалида Сенат Раиси Д. Пачекони мамлакатимиз парламенти, хусусан, Олий Мажлиси Сенати фаолияти билан таништирди. Шу жумладан, Сенат республикаимиздаги хотин-қизлар ва гендер тенглик масалаларини парламент даражасида кўриб чиқаётганлигини ва бу борада парламент юқори палатаси таркибида махсус кўмита ташкил этилган бўлиб, у самарали фаолият юритаётганлигини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Шунингдек, учрашувда Ўзбекистон парламентининг Парламентлараро Иттифоқ билан ҳамкорлигининг бугунги ҳолати ва истиқболлари муҳокама қилинди.

Томонлар нуфузли ташкилот билан биргаликда янги лойиҳаларни амалга ошириш ва Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш борасида ҳамкорликни қучайтириш юзасидан ҳам фикр алмашди.

Ўз навбатида, Д. Пачеко Тошкент саммити юқори савияда ташкил этилгани учун ўз миннатдорлигини билдириб, Парламентлараро Иттифоқ

бундан кейин ҳам Ўзбекистоннинг ташаббусларини қўллаб-қувватлашини маълум қилди.

* * *

Сенат Раиси Индонезия Республикасининг Халқ вакиллари кенгаши раиси Пуан Махарани бошчилигидаги делегация аъзолари билан учрашди.

Учрашувда Сенат Раиси меҳмонларни юртимизга ташрифи билан самимий қутлаб, Жануби-Шарқий Осиё давлатлари орасида Индонезия Ўзбекистоннинг муҳим ҳамкорларидан бири эканини алоҳида таъкидлади.

Мулоқот давомида томонлар парламентлараро алоқаларни янада мустаҳкамлаш масалаларини муҳокама қилди. Жумладан, олинган амалга оширилиши лозим бўлган қатор масалалар борлиги, бунда парламентлараро дўстлик гурӯҳлари мулоқотларини қучайтириш зарурлиги айтиб ўтилди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон ва Индонезия ўртасида таълим, туризм, савдо-сотиқ, инвестиция ва маданий алоқаларни ривожлантириш, икки давлат ҳудудлари ўзаро ҳамкорлигини жонлантириш юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Мулоқот

ҲАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Хабарингиз бор, айни кунларда пойтахтимизда Парламентлараро Иттифоққа аъзо давлатлар парламентлари аёл раҳбарларининг навбатдаги 14-саммити бўлиб ўтмоқда.

Ушбу саммитда иштирок этиш учун мамлакатимизга ташриф буюрган қатор давлатлар делегацияларини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева қабул қилди.

МАҚСАД – ҲОЗИРГИ МУРАККАБ ШАРОИТДА ДУНЁ ПАРЛАМЕНТЛАРИ САЎЙ-ҲАРАКАТЛАРИНИ БИРЛАШТИРИШДАН ИБОРАТ

←1 Маълумотларга кўра, пандемия даврида айнан хотин-қизлар кўпроқ азият чекмоқда. Жумладан, меҳнат бозорида фаолият юритаётган аёлларнинг 5 фоизи ишсиз қолган. Оилаларда юзага келган мураккаб вазият ортдан хотин-қизларга нисбатан зўравонлик ҳолати кўпайган, уларнинг ижтимоий ва иқтисодий аҳволи кескин ёмонлашиши ҳисобига эса жиноятчилик ҳамда ҳуқуқбузарликлар сони ортиб борапти.

Мана шундай оғир бир шароитда халқаро ҳамжамиятнинг биргаликдаги саъй-ҳаракати, бир-бирига хайрихоҳлиги туфайли вазият анча яхшиланди. Бироқ пандемия ҳали давом этаётган, унинг асоратлари барҳам топмаган бир шароитда бу борада қўшма лойиҳаларни амалга оширишни ва қонунчилик, халқаро стандартлар ва нормаларни янада такомиллаштиришни даврнинг ўзи талаб этмоқда. Шундан келиб чиқиб, пандемия боис юзага келган ижтимоий ва иқтисодий

инқирозни, хусусан, янги хавф-хатарни бартараф этиш бўйича конструктив таклифлар ишлаб чиқиш ҳамда уларни биргаликда амалга ошириш бўйича таъсирчан чора-тадбирларни белгилаб олиш ушбу саммитнинг асосий вазифалари сифатида кун тартибига қўйилди.

Саммитда сўзга чиққан Парламентлараро Иттифоқ раиси Дуарте Пачеко Ўзбекистон томонига ушбу тадбир юқори даражада ташкил этилгани учун миннатдорлик билдириб, қўрилаётган масалалар, улардан келиб чиқаётган ҳулосалар хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини янада самаралироқ таъминлашга хизмат қилаётганини айтиб ўтди.

Анжуман фаолияти “Пандемиядан кейин глобал тикланишга тўқинчилик қиладиган хавфларни бартараф этиш” ҳамда “Технологиялар билан боғлиқ хавфларнинг олдини олиш ва технологиялар оламида инсон ҳуқуқлари ва гендер тенгликни ҳимоя қилиш” мавзуларидаги иккита сессия доирасида ташкил этилди.

Биринчи сессияда иштирокчилар тенглик, инклюзивлик ва атроф-муҳит муҳофазасига асосланган барқарор ривожланиш доирасида иқтисодиётни тиклаш, қиз-



лар ва аёллар, шу жумладан, репродуктив саломатлик борасидаги заифлигини камайтириш юзасидан зарур чора-тадбирлар ҳамда пандемиядан кейинги даврда иқтисодиётни тиклашга оид энг яхши амалиёт масалаларини атрофлича таҳлилдан ўтказди.

Иккинчи сессияда COVID-19 пандемияси билан боғлиқ ҳолда рақамли иқтисодиёт ва меҳнат соҳасида технологик инновацияларни рағбатлантириш, миллий ва халқаро миқёсда рақамли тафовутни бартараф этиш учун амалга оширилаётган ташаббуслар, аёллар ва қизларнинг ҳуқуқ

ва эркинликларини интернет оламида тарғиб қилиш ҳамда ҳимоялашда парламентларнинг ҳаракатлари сингари долзарб масалалар таҳлилга тортилди.

Иттифоққа аъзо давлатлар парламентлари аёл раҳбарлари 14-саммити бугун ўз ишини давом эттиради.

СЎЗ — ИШТИРОКЧИЛАРГА

ТАДҚИҚОТЛАР ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ЖАМИЯТДАГИ РОЛИ ЮҚОРИ БЎЛГАН ДАВЛАТЛАРДА АДОЛАТ ВА ИЖТИМОЙ ТЕНГЛИК ТАМОЙИЛЛАРИГА РИОЯ ҚИЛИНАЁТГАНИНИ КЎРСАТМОҚДА

Амина МУҲАММАД, БМТ Бош котибининг биринчи ўринбосари:

— Аёлларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги етакчилик роли инклюзив ва барқарор дунё учун жуда муҳимдир. Ўзбекистонга ташрифим чоғида мен ҳуқу-



матнинг гендер тенгликка қандай аҳамият бераётганига гувоҳ бўлдим.

Бугун Ўзбекистон парламентида хотин-қизлар сони БМТ томонидан белгиланган тавсияларга мос даражада, яъни 32 фоизни ташкил этмоқда. Хотин-қизларнинг бошқарув лавозимидаги улуши 27 фоизга, тадбиркорлик соҳасида 25 фоизга, сиёсий партияларда 44 фоизга, олий таълимда 46 фоизга етганлиги ҳам эътиборга молик. Ўзбекистон парламенти хотин-қизлар сони бўйича дунёдаги 190 та парламент орасида 37-ўринга кўтарилди. Аммо ҳамма давлатда ҳам аёлларга эътибор юртингиздаги каби эмас. Ваҳоланки, тадқиқотлар хотин-қизларнинг жамиятдаги роли юқори бўлган давлатларда адолат ва ижтимоий тенглик тамойилларига риоя қилинаётганини кўрсатмоқда.

Ҳозирги пайтда дунёда аёл раҳбарлар иқлим ўзгаришига қарши курашда етакчилик қилмоқда. Шунга мос равишда қазилма ёқилғидан тоза энергияга ўтиш, ифлосланиш ва ўрмонларни йўқ қилиш муаммоларини ҳал этиш, барқарорликка йўналтирилган айланма иқтисодиётни ривожлантириш бўйича саъй-ҳаракатларда ҳам хотин-қизлар ўрни ошиб бораётди.

Шу каби ютуқларга қарамай, бугунги кунда тинчлик ва хавфсизликка турли хил ва кенг қамровли таҳдидлар аёлларнинг жамиятдаги иштироки, ҳимояси ва ҳуқуқларини кенгайтириш йўлидаги ёндашувларни замонга мос ҳолда такомиллаштиришни тақозо этади. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти парламентлар ва бошқа миллий манфаатдор томонларни аёллар иштироки ва ҳуқуқларидаги тўсиқларни бартараф этишга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш борасидаги интилишларини доимий равишда қўллаб-қувватлайди.

Ўзбекистон бу йилги саммитнинг мезбони сифатида гендер тенглик, аёлларнинг имкониятларини кенгайтириш ва гендер зўравонлигига қарши курашда сезиларли ютуқларга эришиб келмоқда. Афсуски, жаҳоннинг ҳамма ўлкаларида ҳам вазият бундай эмас. Ҳар бир аёл ва қиз учун хавфсиз ва тенг дунёни яратишда бизга кўпроқ аёл раҳбарлар керак. Ўйлайманки, саммит орқали барқарорлик ва фаровонлиқни самарали таъминлаш учун гендер тенгликни кафолатлаш ва хотин-қизларнинг имкониятларини кенгайтириш бўйича парламентлар учун устувор йўналиш ва ҳаракатларни белгилаб олиш имконига эга бўлаемиз.

Саммит якунида қабул қилинадиган декларацияда адолат, интеграция ва атроф-муҳит муҳофазаси, хотин-қизларнинг репродуктив саломатлик борасидаги эҳтиёжлари, пандемиядан кейинги иқтисодиётни тиклаш, хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини интернетда ҳимоялаш ва тарғиб қилиш сингари масалаларни қамраб оламиз, деган умиддаман.

Эвелин РЕГНЕР, Европа Парламенти раисининг ўринбосари:

— Парламентлараро Иттифоқ 1889 йилда таъсис этилган бўлиб, халқаро ташкилотлар орасида ёши энг улуғи ҳисобланади. 178 давлат аъзо бўлиб қирган ушбу ташкилот ўтган даврда том маънода парламентлараро халқаро бирдамликнинг тимсолига айланди. Айниқса, аёлларни турли зўравонлик ва таъйиқлардан ҳимоялаш, гендер тенгликка эришиш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини кенгайтиришда тузилма ўзига хос роль ўйнамоқда. Ахир бу долзарб масала бизнинг нафақат ўтмишимизга, балки ҳозирги кунимиз ҳамда келажакимизга ҳам дахлдордир.

Шу ўринда бир нозик масалага тўхталмоқчиман. Янги технологиялар бизнинг ҳаётимизни оsonлаштирмоқда, айниқса, пандемия пайтида асқатди. Интернет тармоғи орқали масофавий ишлашга одатланиб, фарзандларимиз масофавий таълим олиш кўникмасига эга бўлди.



Бироқ кейинги пайтларда интернетда маълумотларни ҳимоя қилиш мураккаб бўлиб бормоқда, таъбиб ва киберҳужум жиддий тус олди. Жинсий киберзўравонлик — бу 30 йил олдин тасаввур қилиб бўлмайдиган ҳодиса эди. Бугун эса деярли ҳар бир аёл интернетда кибер зўравонлик ёки таҳдидга дуч келяпти. Зўравонлик, узишарига ёки оила аъзоларига таҳдид натижасида етакчи ёки сиёсий лавозимларда ишлайдиган жуда кўп аёллар қурбон бўлди. Европа парламенти тадқиқот хизмати томонидан ўтказилган таҳлил натижасига кўра, Европа Иттифоқидаги аёлларнинг 4 — 7 фоизи сўнгги 12 ой ичида киберҳужумларга учраган. Натижада аёллар орасида руҳий тушкунлик кайфияти кучайди.

Боз устига, меҳнат бозорида фаолият юритаётган аёлларнинг муайян қисми пандемия туфайли ишсиз қолди. Оила-ларда юзага келган мураккаб вазият натижасида хотин-қизларга нисбатан зўравонликлар кўпайди, уларнинг ижтимоий ва иқтисодий ҳолати кескин ёмонлашиши оқибатида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликлар ошди. Шундан келиб чиққан ҳолда, саммитда пандемия оқибатида юзага келган жиддий ижтимоий ва иқтисодий инқирозларни, хусусан, янги хавф-хатарларни бартараф этиш бўйича конструктив таклифлар

ишлаб чиқиш, уларни биргаликда амалга ошириш бўйича таъсирчан чора-тадбирларни белгилаб олишни олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз.

Хайнц Вейнер КОЛЛЕР, Халқаро меҳнат ташкилоти бош директори ўринбосари, ХМТ Европа ва Марказий Осиё мамлакатлари минтақавий бюроси директори:

— Пандемия инқирози инклюзив ва барқарор ечим топишни, потенциал хавфларни тўғри башорат қилиш ва келажакдаги инқирозларни енгиш учун яхшироқ тайёргарлик кўришда хотин-



қизлар иштирокини кучайтиришни кун тартибига олиб чиқди. Бундан ташқари, пандемия мавжуд бўшлиқларни, айниқса, давлатлар ичида ва улар ўртасида, жумладан, гендер тенгсизлигини кучайтирди.

Шу маънода, аёлларга тўлиқ ва тенг муносабатда бўлиш учун ҳали кўп иш қилиш кераклигини эслатишнинг ҳожа-ти йўқ. Қўллаб ҳал қилинмаган муаммолар мавжуд. Фикримни биргина мисол билан давом эттирмоқчиман. Масалан, нисбатан хавфли саналган иқтисодиёт тармоқларида хотин-қизлар салмоғи чакки эмас. Аммо ташвишли жиҳати шундаки, уларда меҳнат қилиб келаётган аёллар ҳамкасб эркекларга нисбатан ўртача 24 фоиз кам даромад олади.

Яна бир маълумотга эътибор қаратишни истардим. Биргина 2020 йилда дунё бўйича аёллар учун мўлжалланган иш жойларининг 3,6 фоизи қисқариб кетди ва 2021 йилда ишлайдиган аёллар аввалгига қараганда 20 миллионга камайди.

Шу боис ҳам дунё парламентларидаги аёл раҳбарларнинг интилиш ва саъй-ҳаракатларини бирлаштириш жуда муҳим. Бу борада бўлиб ўтаётган саммит ва унда эришилаётган натижалар катта роль ўйнашига умид қиламан.

ХМТ вакили сифатида тузилмамизнинг йўналишларидан келиб чиқиб бир қатор масалаларга алоҳида эътибор қаратилиши лозим, деб ҳисоблайман. Иқтисодиётга инвестицияларни жалб этишда гендер тенгликни таъминлаш, аёлларни камситишнинг ҳар қандай кўринишига қарши курашиш бўйича қатъий сиёсатни илгари суриш, универсал ижтимоий ҳимояни кучайтириш ва бошқалар шулар жумласидандир.

Ўйлаймизки, саммит доирасида қабул қилинадиган декларация шу ва яна қўллаб муаммолари масалаларга ечиб топилша дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

Ана Мария Пастор ЖУЛИАН, Испания Қироллигининг умумий Кортес депутатлари Конгресси раиси ўринбосари:

— Пандемиядан кейин глобал тикла-ниш билан боғлиқ хавфларни ҳал



қилишга бағишланган ушбу анжуман дунё парламентларининг салоҳият ва имкониятларини бирлаштиришга йўналтирилгани билан алоҳида аҳамиятга эга. Шу боис фурсатдан фойдаланиб, мазкур нуфузли анжуманни ташкил этган Парламентлараро Иттифоқ ҳамда Ўзбекистон Олий Мажлиси Сенати раҳбариятига миннатдорлик билдираман.

Нуфузли анжуман доирасида COVID-19 пандемияси ва у билан боғлиқ инқирозлар таъсирида барқарорлик ва фаровонлиқни самарали таъминлаш учун гендер тенгликни кафолатлаш, аёллар имкониятларини кенгайтириш бўйича парламентлар учун устувор йўналишлар ва ҳаракатлар режалари аниқ белгилаб олинмоқда. Лўнда айтадиган бўлсак, адолат, интеграция ва атроф-муҳит муҳофазасига асосланган барқарор ривожланиш нуқтаи назаридан иқтисодиётни тиклаш, хотин-қизларнинг эҳтиёжмандлигини, шу жумладан, репродуктив саломатлик соҳасидаги муаммолар ечими учун зарур чоралар кўриш, пандемиядан кейин иқтисодиётни тиклаш бўйича илгор тажрибаларни ўртоқлашиш, пандемия муносабати билан рақамли иқтисодиёт ва меҳнат соҳасида технологик инновация юзларини кенг ёйиш ҳамда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини интернетда тарғиб қилиш ва ҳимоялашда парламентлар ҳаракатларини бирлаштиришга катта эътибор қаратилмоқда. Пандемия Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишга жиддий ҳалол бераётган бир шароитда бундай чоралар ва саъй-ҳаракатлар жудаям зарур.

Саммитнинг яна бир аҳамиятли жиҳати шуки, рақамли маконда инсон ҳуқуқлари ҳимоясини ва гендер тенгликни таъминлаш учун тартибга солиш усуллари ва тактикасини ишлаб чиқиш, қайта кўриб чиқиш имкони тугилади ҳамда парламентларнинг гендер масалаларига жавоб бериш, хавф-хатарни олдиндан билиш ҳамда тинчлик ва барқарорлик, фаровонлиқни самаралироқ таъминлашга нечоғли тайёргили аён бўлади.

Парламентлар аёл раҳбарлари 2030 йил-гача бўлган кун тартибини амалга ошириш стратегиясини ишлаб чиқиш жа-раёнларида фаол иштирок этишдан ташқари, тегишли қонунчилик асосини мустақамлаш, масъулиятни оширишлар ҳам керак бўлади.

Қисқача айтганда, парламентлар мамлакатлар томонидан қабул қилинган мажбуриятлар самарали бажарилишини кафолатлаш ва бошқа институтлар ва фуқаролик жамияти субъектлари билан биргаликда Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда ўз ҳиссасини қўшиши талаб этилади.

Саммит доирасида қабул қилинади-ган декларация ана шу мақсадларга эришишда қўл келишига ишонамиз.

«Халқ сўзи».

ҲАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

←1 Ўз навбатида, Пуан Махарани қабул учун миннатдорлик билдириб, ўтказилаётган саммит юқори савияда ташкил этилганини ургулаб ўтди.

Яқунда мазкур мулоқот икки давлат ўртасидаги мавжуд алоқаларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилиши ҳам айtilди.

Сенат Раиси Танзила Норбоева Бангладеш Миллий Ассамблеяси спикери Чаудхури Ширин Шармин бошчилигидаги делегация аъзолари билан учрашди.

Сенат Раиси меҳмонни Ўзбекистонга ташрифи билан қўтлаб, парламентлараро алоқаларни ривожлантиришга қўшаётган ҳиссаси учун миннатдорлик билдирди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон ва Бангладеш парламентлари ўртасидаги муносабатлар изчиллигини таъминлаш, хусусан, қонун ижодкорлиги ва парламент назорати йўналишларида ҳамкорликни йўлга қўйиш лозимлиги таъкидланди. Шунингдек, гендер тенглик ва ёшлар масалалари юзасидан ўзаро тажриба алмашиш мақсадга мувофиқ экани айtilди.

Икки давлат парламент аъзолари ҳамкорликнинг турли йўналишларида ҳали ишга солинмаган имкониятлар кўплиги, ўзаро савдо ҳажмини ошириш, енгил саноат, жумладан, мамлакатларимиз текстиль соҳасидаги тажрибасидан кенг фойдаланиш зарурлиги қайд этилди.

Чаудхури Ширин Шармин самимий қабул учун миннатдорлик изҳор этаркан, ўтказилаётган саммит юқори савияда ташкил этилганини алоҳида маълум қилди.

Сўхбат якунида ўзаро ишонч муҳим экани, бу ўз навбатида, икки давлат ўртасидаги муносабатларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилиши айтиб ўтилди.

Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева Россия Федерацияси Федерал Мажлиси Федерация Кенгаши Раиси ўринбосари Галина Карелова бошчилигидаги делегация билан учрашув ўтказди.

Унда парламентлараро алоқаларнинг бугунги ҳолати ва истиқболлари кенг муҳокама қилинди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Россия Федерацияси Федерал Мажлиси Федерация Кенгаши қўмиталари ҳамкорлигини янада кучайтиришга, икки давлат ҳукуматлари ўртасидаги келишувлар вақтида ва самарали бажарилишини таъминлашда парламентлар имкониятларидан кенг фойдаланишга келиши олинди.

Ўз навбатида, Г. Карелова самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, саммит муваффақиятли ўтаётганини, унда долзарб масалалар кўтарилаётганини алоҳида эътироф этди.

Сенат Раиси Танзила Норбоева Беларусь Республикаси Миллий Мажлисининг иқтисодиёт, бюджет ва молия бўйича доимий комиссияси раиси Татьяна Рунецни қабул қилди.

Учрашувда икки давлат ўртасидаги парламентлараро алоқаларни янги босқичга олиб чиқиш, гендер тенгликни таъминлашда ўзаро тажриба алмашиш каби масалалар муҳокама марказида бўлди.

Шунингдек, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар ҳамда таълим йўналишларида муносабатларни ривожлантириш борасидаги ишларга ҳам ургу берилди.

Ўз навбатида, Т. Рунец хотин-қизлар масалалари барча мамлакатлар учун муҳим эканини, саммит натижалари иштирокчи мамлакатларнинг айна шу йўналишдаги саъй-ҳаракатларини янада жадаллаштиришга хизмат қилишини таъкидлаб ўтди.

«Халқ сўзи».



Сирожиддин ВОХИДОВ ва Юнус БҮРИЕВ олган суратлар.



Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти



**давлатимиз раҳбарининг ташаббуси ва ғоясига мувофиқ маънавият ҳамда
маърифат маскани сифатида бунёд этилди**

1 2 3 4 5 6